

*Амонат ҳақидаги
қиссалар.*

Амонат улуғ хулқ ва гўзал сифат бўлиб, ҳар бир мусулмон инсон амонатдор бўлмоғи, амонатни гўзал даражада адо этмоғи лозимдир. Зеро, қудратли ва улуғ Аллоҳ таоло шундай амр қилган:

﴿ إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تُؤَدُّوا الْأَمَانَاتِ إِلَىٰ أَهْلِهَا ۗ إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴾ النساء: ٥٨

«Албатта Аллоҳ сизларни амонатларни ўз эгаларига топширишга буюради» (Нисо сураси, 58-оят).

Ҳақиқий мусулмон амонатли, ишончли бўлади, одамлар унга ҳамма нарсада ишонадилар, у савдо-сотикда ишончли, тошу-тарозида амонатдор ҳамда одамларнинг сир-асрорларини сақлашда ҳам тенги йўқ инсондир.

Ислом дини барча масалаларни амонатга боғлайди. Чунки Ислом динининг ўзи ҳам ҳар бир инсон бўйнидаги энг катта амонатдир. Намоз, рўза, ҳаж каби ибодатлар ҳам барчаси амонат турларига киради. Ҳатто, инсоннинг ўз танаси ҳам амонат ҳисобланиб, бу амонатга хиёнат қилмаслиги шарт. Хуллас, Аллоҳнинг барча неъматлари банда учун амонатдир. Неъматлардан тўғри фойдаланиб, ўз ўрнида ишлата билса, амонатни адо этган, акс ҳолда амонатга хиёнат қилиб қўйган ҳисобланади. Масалан, илмни олайлик. Киши ўрганган илмидан

тўғри фойдаланиб, ўз илмини манфаатли йўлларда ишлатадиган бўлса, у ушбу амонатга хиёнат қилмаган саналади. Одамлар орасида адолатли бўлиб, барча гап-сўзлари ва феълү атворлари одил бўлмоғи ҳам амонатнинг бир қисмидир.

Амонат жуда ҳам гўзал хулқ бўлиб, инсонни художўй, ихлосманд бўлиш, фақат Аллоҳдан кўрқмоқ каби олий ахлоқларга етаклайди. Мусулмон киши зиммасидаги барча амонатларни ўз жойига қўйиб, барча ишларида амонатдор бўлиши нақадар катта бахт!

Қуйида Исломнинг ёрқин тарихи гувоҳ бўлган амонатдорлик ҳақидаги воқеий ҳикоялардан бир нечасини келтирмоқчимиз. Ҳикоялар орқали амонатнинг фазилати, амонатдор кишиларнинг қадри, қиммати ўқувчига яққол кўринади, деб умид қиламиз. Раббимиз субҳонаҳу ва таоло барчамизни амонатдор кишилардан бўлишига тавфиқ берсин, омийн.

Энг амонатдор киши.

Ёзнинг қоқ ўртаси, кунлар роса қизиган, иссиқ авжига чиққан палла эди. Усмон ибн Аффон - *розияллоҳу анҳу*- Мадина шаҳрининг ташқарисида

хизматкорлари билан бирга соя остида дам олиб ўтирган эдилар. Ҳаво жуда иссиқ, қумлардан қизиган тандирдагидек қайноқ тафт кўтарилиб турмоқда. Одатда сахро шамоли эсиб турса, бир оз ҳаво айланиб, нафас олиш енгилроқ бўларди. Ҳозир юз-кўзларни куйдирадиган ўша гармсел ҳам йўқ.

Узоқдан икки туяни олдига солиб ҳайдаб келаётган бир кишининг қораси кўринди. Усмон - *розияллоҳу анҳу*:- Бу кишини шундай қаттиқ иссиқда сахрога чиқишга нима мажбур қилди экан, ҳавонинг совушини кутиб, кейин чиқса бўлмасмиди? – деб ҳайрон бўлдилар.

Бир оздан сўнг туяларни етаклаб келаётган кишининг Умар ибн Хаттоб -*розияллоҳу анҳу*- эканларини билишди. Дарҳол ўринларидан туриб унинг истиқболига чиқдилар. Лекин иссиқнинг қаттиқлигидан яна ўзларини соя остига олишга мажбур бўлишди.

Умар -*розияллоҳу анҳу*- уларнинг қаршиларига келгач, Усмон -*розияллоҳу анҳу*:- Эй мўминларнинг амири, бу иссиқда нима қилиб юрибсиз, - деб сўради.

Умар -*розияллоҳу анҳу*:- Садақа туяларидан иккитаси йўқолиб қолган экан, шуни қидириб чиққан эдим. – дедилар. – Қиёмат куни Аллоҳнинг олдига борганда: мусулмонларнинг мулкидан икки

туянинг йўқолишига нега йўл қўйдинг, деб саволга тутилишдан қўрқдим. Шу сабабдан туяларни топиб, жойига олиб кетаяпман.

Усмон *-розияллоҳу анҳу-*: Эй мусулмонлар амири, келинг, салқин сувдан ичиб, сояли ерда дам олинг, туяларни биронтасига берамиз, жойига қўйиб келади, – деб таклиф қилдилар. Лекин Умар *-розияллоҳу анҳу-* таклифга кўнмадилар, ўз қўллари билан олиб бормасалар, кўнгиллари жойига тушмасини айтиб, туяларни олдиларига солдилар-да, боқиладиган жойга ўзлари олиб кетдилар.

Усмон *-розияллоҳу анҳу-*: Ким энг амонатдор кишига қарамоқчи бўлса, бу кишига қарасин, – деб мўминларнинг амири Умар ибн Хаттоб *-розияллоҳу анҳу-*га ишора қилдилар.

Дарёда оқизилган пул.

Бир киши тижорат мақсадида сафар қилмоқчи бўлган экан. Лекин савдо учун тўплаган моли озлик қилиб, бошқа бир кишидан минг динор қарз бериб туришини сўради.

Пул эгаси қарз бериб туришга кўнди-ю, лекин қарз бераётганига бирон кишининг гувоҳ бўлишини сўраб, қарзни ўз вақтида қайтаришига кафил

бўладиган киши ҳам олиб келишини талаб қилди.

Қарз олаётган киши: Бу ишга Аллоҳнинг Ўзи гувоҳ ва кафил бўлишига нима дейсиз? – деб сўради.

Пул эгаси: Бўлди, тўғри айтдинг, - деб унга сўраган миқдорида минг динор қарз берди,

Сўнг қарзни тўлаш муддатини белгилаб олдилар.

Савдогар кўзлаган тижорат учун сафар қилди ва кутганидан ҳам зиёда фойда топди.

Қарзни қайтариш учун белгиланган муддат яқинлашгач, қирғоққа келиб қайтиш мақсадида кема излади. Қарз олаётганида Аллоҳни гувоҳ қилиб, қарзни ўз вақтида қайтариб беришига Аллоҳ кафил, дегани ёдига тушиб, зир-зир югурди. Лекин, аксига олиб, унинг шаҳрига кетадиган ҳеч қандай кема топа олмади.

Шунда дарёдан оқиб келаётган бир дарахтнинг танасига – бир ёғочга кўзи тушди. Ёғочни олиб, бир ерини озроқ ўйди-да, тешик ичига минг динор тилла тангани солиб, қарз эгасига мактуб ҳам ёзиб қўйди. Мактубда ўзининг исми шарифини айтиб, қарз берган кишининг номига хитоб қилиб, белгиланган вақтда етиб бориш учун кема топа олмаганини айтиб, узр қилди.

Сўнг тешикни маҳкамлаб ёпди-да, дарёдан оқизиб юборди. Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг

гувоҳ ва кафил бўлишига розиман, деб тантилик қилган қарз эгасига ушбу амонатни ўз вақтида етказгин, деб Аллоҳдан сўради. Дарё тўлқинлари ёғочни кўтариб олиб кетиб, савдогарнинг кўзидан ғойиб бўлди.

Келишилган куни қарз берган киши ҳам қирғоққа чиқиб савдогарни кутди ва уни топа олмади. Уйига қайтаётиб, дарёда оқиб келаётган бир дарахт танасига кўзи тушди-да, ўтин қилмоқ мақсадида кўтариб олди. Манзилига қайтгач, дарахт танаси ичидан солиб қўйилган пул билан мактубни топиб олди, сўнг Аллоҳга кўп ҳамду санолар айтди.

Бир неча мудат ўтганидан кейин қарз олган киши ҳам ўз шаҳрига қайтиб келди. Келиши билан қарз берган кишини олдига бориб, ундан узр сўради-да, унга минг динорни қайтариб берди.

Қарз берган киши: Аллоҳ сен ёғочда юборган пулингни сақлаб, қарзни ўз вақтида тўлагансан. Бу пуллар сеники, мен ўз ҳаққимни олиб бўлдим. Сени Аллоҳ яхшилик билан мукофотласин, эй ростгўй, амонатдор киши, – деб дуо қилди.

Кўмиб қўйилган олтин.

Пайғамбаримиз-саллаллоҳу алайҳи ва саллам-

бир муборак ҳадисда ушбу воқеани ҳикоя қилиб берганлар:

Бир одам уй сотиб олиб, унда яшай бошлади. Бир куни уйда ўра қазийётган эди, олдидан бир катта кўза чиқиб қолди. Ичини очиб қараса, олтин билан лиқ тўла экан.

Нима қилишини билмай ҳайрон бўлди-да, кўп бош қотирганидан сўнг шундай қарор қилди: Бу уйни менга сотган киши ерга шунча тилла кўмилганидан беҳабар бўлган. Мен ундан тиллаларни эмас, уйни сотиб олганман. Бу бойликни унга олиб бориб топширишим керак.

Дарҳол идишни олиб, уйни сотган кишининг олдига борди. Бўлган воқеани айтиб: Эй дўстим, бу идиш сизники, мен сиздан фақат уйни сотиб олганман, – деди.

Уйни сотган киши ҳам: Мен уйдаги барча нарсани сотганман. Демак, бу олтинлар ҳам сенинг ҳаққинг, – деб хазинани олишдан бош тортди.

У иккаласи шундай тортишиб, талашиб турганларида олдиларидан бир киши ўтиб қолди. Унга воқеани тушунтириб, ўртадаги муаммони қандай ечишни ундан сўрадилар.

Учинчи киши: Сизларнинг фарзандларингиз борми? – деб сўради.

Бири: Менинг ўғлим бор, – деди.

Иккинчиси эса: Менинг қизим бор, – деб жавоб

берди.

Учинчи киши ўғил билан қизни уйлантириб, шу олтидан у иккаласига харж қилишни таклиф қилди. У иккаласи бу ҳукмга рози бўлдилар.

Нодир амонат.

Қуйидаги ҳикоя ҳам бир муборак ҳадисда Расулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи ва саллам- айтиб берган ибратли воқеалардан биридир:

Бир тижоратчи киши уйига мардикорлар олиб келиб ишлатган экан. Мардикорлар ишларини тамомлагач уларнинг барчасига ҳақини берибди-ю, фақат бир мардикор иш ҳақини олмай туриб кетиб қопти.

Мардикорнинг ҳақини бера олмаган тижоратчи унинг ҳақини ўзида сақлаб қолиб, савдога қўшиб қўйибди. Савдода анча вақт айланиб турган пулларга қора мол, туя ва қўйлар харид қилибди. Вақт ўтган сайин ҳайвонлар кўпайиб, катта бир подага айланибди.

Бир неча йил ўтгандан кейин ҳалиги мардикор келиб, ҳақини талаб қилди. Шунда тижоратчи туя, қўй ва сигир подаларига ишора қилиб, шу сенинг ҳақинг, деди. У киши подани олиб, хурсанд бўлиб қайтиб кетди.

Бир куни бу бадавлат тижоратчи икки дўсти

билан сафарга чиқибди. Йўлда кетаётганларида дам олиш учун бир ғорга кирибдилар. Иттифоқо, катта бир харсанг тош юқоридан юмалаб тушибдида, булар турган ғорнинг оғзини тўсиб қўйибди.

Ичкарида қамалиб қолган дўстлар қаттиқ саросимага тушиб қолдилар. Чунки ғор оғзини ёпиб қўйган катта тош ҳар қанча уринсалар ҳам ўрнидан жилмабди.

Улар ўзларининг қилган холис, солиҳ амалларини эсга олиб, дуо қилишга, мушкилларини аритишни сўраб, Аллоҳга ёлворишга қарор қилдилар.

Ҳамроҳлардан иккитаси ўзининг энг ихлос билан бажарган, энг афзал амалини эсга олиб, дуо қилганларида харсанг тош бир оз ўрнидан жилдию, лекин улар барибир ғор ичида қамалиб қолавердилар.

Учинчи бўлиб тижоратчи дуога қўл очди. Мардикорга қилган яхшилигини эслаб, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмагани, амонатга риоя қилганини эсга олиб, Аллоҳга ёлворган эди, харсанг тош бутунлай кўчиб, ҳаммалари ғордан эсон-омон чиқиб олдилар.

Амонатдор чўпон.

Бир куни Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб

розияллоҳу анҳу бир дўсти билан сафарга чиқди.

Улар чарчаб, бир тоғнинг ёнида дам олгани ўтирдилар. Шу пайт олдиларидан бир чўпон подасини ҳайдаб ўтиб қолди.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу уни чақириб:

– Бу сурувнинг чўпони сенми? – деб сўради.

– Ҳа.

– Қўйларингдан бирини менга сотгин.

– Бу қўйлар менинг мулким эмас. Мен хўжайинимнинг қўйларини боқиб юрибман.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу унинг қанчалик амонатдор эканини синамоқчи бўлиб:

– Сен бизларга бир қўйни сотиб, хўжайининга бўри еб кетди, деб айтсанг бўлмайдами? – деди.

Чўпон унинг бу сўзидан қаттиқ ранжиб:

– Қизиқ одам экансиз-у! Тўғри, хўжайиним мени кўрмайди, уни алдашим мумкин. Лекин, мени доимо кўриб турувчи Аллоҳ таоло қиёмат кунида қўй ҳақида мендан сўраса, нима деб айтаман, қандай жавоб бераман?! – деди.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу чўпоннинг гапидан ажабланиб, Аллоҳнинг кўрқувидан йиғлаб юборди. Сўнг бу чўпоннинг хўжайинига учраб, ундан чўпонни ва қўйларни сотиб олиди-да, чўпонни озод қилиб, қўйларни унга ҳадя қилиб берди.

Сут сотувчи аёл.

Бир куни саҳар палласи мўминларнинг амири, халифа Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу хизматчиси Аслам билан бирга Мадина кўчаларида айланиб, одамларнинг аҳволидан бохабар бўлмоқ учун шахсан ўзи шаҳар кўчаларида юрган эди.

Бир кўчадан кетаётганларида қизиқ бир суҳбат уларнинг қулоғига чалинди. Эрталабда ҳайвонларни соғаётган аёллар гаплашишаётган экан. Уларнинг ёши каттароғи қизига соғилган сутни кўпроқ пулга сотиш учун сутга сув қўшиб қўйишни маслаҳат бераётган эди. Қизи:

– Онажон, мўминларнинг амири сутга сув қўшиб сотишдан қайтардилар-ку! Нега биз унинг буйруғини бажармаймиз?!

– Э, қизим, соддасанда! Умар ҳозир қаерда, у бизни кўриб ўтириптими?! Сен айтганимга кириб, сутга сув аралаштирабер!

Мўминларнинг амири, халифанинг буйруғига бўйсуниб Аллоҳга итоат қилиш эканини биладиган мўмина қиз онасига яна эътироз билдирди:

– Ойижон, биз қандай қилиб одамларнинг кўзича буйруқларга итоат қилиб, ҳеч ким кўрмайдиган вақтда буйруқни бажармаймиз?! Ахир бу нотўғри иш-ку?! Умар кўрмаса, Аллоҳ кўриб турибди-ку!

Тасодифан бу суҳбатни эшитиб қолган Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу бу қизнинг сўзларидан жуда хурсанд бўлиб, унинг иймони ва амонатдорлигига қойил қолдилар.

Эртасига у қизнинг кимлигини суриштириб кўрдилар. У Суфён ибн Абдуллоҳ Ас-сақафийнинг қизи экан, ҳали турмуш қилмаган экан. Умар розияллоҳу анҳу бундай оқила, мўмина қизни келин қилгилари келиб, совчи қўйдилар. Қиз томон ҳам розилик билдириб, у қиз Умарнинг ўғли Осимга турмушга чиқди.

Аллоҳ бу мўмин оилага кўп барокотлар ато этди. Одил халифа Умар ибн Абдулазиз ҳам шу оиланинг набираси эдилар.

Айби бор мато.

Бир амонатдор, ишончли савдогар бор экан. Доимо амонатдор бўлишга ҳаракат қилар, ҳеч кимни алдамас экан. Бир куни сафарга чиқиши керак бўлиб қолибди-да, дўконига кўлида ишлайдиган ишчилардан бирини қўйиб, сафар қилиб кетибди.

У сафарда бўлган чоғида дўконга бир яҳудий киши келиб, бир хил матодан бир тўпини сотиб олибди. У матода камчилик бор экан. Лекин

дўконда ишлаб турган киши айбларни айтмасдан, сифатли мато нархида, уч минг кумуш тангага сотиб юборибди.

Дўкондор сафардан кайтиб келгач, бўлиб ўтган савдо ҳақида суриштириб, барча ҳисоб-китоб қоғозларини текшира бошлабди. Шунда айби бор матони сифатли мато нархида сотилганини билиб қолиб, ишчидан:

– Ҳалиги айби-камчилиги бор мато қани? – деб сўрабди.

Ишчи уни бир яҳудий кишига уч минг дирҳамга сотиб юборганини айтибди.

– Яҳудийга айбини айтиб, тушунтириб сотдингми?

– Йўқ, – деди хизматчи. – Ўзи кўриб, қараб олди. Нақд фойда турганда савдони бузгим келмади.

Дўкон эгаси унинг бу қилиғидан қаттиқ ранжиб, койиди-да:

– У яҳудийнинг уйи қаерда? – деб сўради.

Яшайдиган жойини билиб, уйига сўроқлаб борди. Яҳудий қандайдир бир юмуш билан бошқа шаҳарга сафар қилиб кетган экан. Уйдагилардан унинг қаерга, қайси карвон билан кетганини суриштириб билгач, дўкон эгаси уч минг кумуш тангани олди-да, яҳудийнинг изидан қўшни шаҳарга қараб отланди.

Уч кундан сўнг карвонни қувиб етиб олиб,

яҳудийни сўраб, топти.

– Менинг дўконимдан айби бор мато сотиб олипсан. Хизматчи сенга унинг айбини айтмай пуллабди. Пулларинг менга керак эмас, пулларингни ол-да, менга матони қайтариб бер, – деди.

Яҳудий одам унинг бу ишидан ҳайратга тушиб:

– Сен нима учун бундай қилаяпсан? – деди.

Дўкон эгаси:

– Мен мусулмон. Бизнинг динимиз амонатли бўлишга буюради. Бировларни алдаб, хиёнат қилишдан қайтаради. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бировларни алдайдиган киши мендан эмас», – деганлар. – Шунинг учун мен бировни алдамайман. Пулларингни ол, – деб жавоб берди.

Яҳудий унинг бундай амонатдорлигига таҳсин ўқир экан:

– Эй дўстим, аслида мен сизларни алдаган эдим. Мен сенинг ишчинг қўлига қалбаки пулларни тутқазиб, матони алдаб олиб кетган эдим. Лекин сенинг бу муомаланг – амонатдорлигинг менга катта дарс бўлди. Мен сенинг матойингни ўша нархга оламан, аввалги берган пулларим қалбаки эди, шунинг учун ўрнига бу ҳақиқий кумуш тангаларни ол! – деди-да, – Барча оламларнинг эгаси Аллоҳга бўйинсуниб, мусулмон бўлдим.

Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ, Муҳаммад - саллаллоҳу алайҳи ва саллам- Аллоҳнинг Расули, элчиси, деб гувоҳлик бераман, – деб мусулмон бўлганини эълон қилди.

Нам бугдой.

Бир куни Расулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи ва саллам- бозорга чиқиб, айландилар. Савдо қилаётганларни кузатиб, уларнинг ҳолатларини назорат қила бошладилар. Бир киши бугдой сотиб ўтирган экан. Расулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи ва саллам- унинг олдидан ўтаётиб, салом бердиларда, қопдаги бугдой ичига муборак қўлларини тиқиб, ичини текшириб кўрдилар. Қопнинг устидаги бугдойлар қуп-қуруқ, дона-дона эди-ю, лекин ичидаги бугдой намиқиб қолган, ҳўл экан.

Расулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи ва саллам- савдо қилиб турган кишига ғазаб билан боқдиларда: Бу нимаси?! Нега устига сараларини қўйиб, ичига сифатсизларини яшириб қўйдинг, – деб койидилар.

У киши узрини баён қилиб: Ё Расулуллоҳ, бугдой ёмғирда қолганди. Офтобда устки қисми яхши қуриб, дона-дона бўлди-ю, қоп ичи ҳали қуриб улгургани йўқ. Шунинг учун ичидаги доналар нам

бўлиб турипти, – деди.

Расулуллоҳ *-саллаллоҳу алайҳи ва саллам-* савдо-сотиқ қилаётган одам амонатдор бўлиши, сотаётган нарсасидаги бор камчиликни яширмай айтиши, айбини кўрсатиб кейин сотиши кераклигини ўргатдилар ва харидорлар буғдойнинг намлигини кўришлари учун қопнинг устки қисмига чиқариб қўйишини тайинладилар.

Сўнг барча мусулмонларга таълим бўлувчи улуғ ҳадисни айтдилар: «Бировларни алдайдиган киши мендан эмас».

Покиза мол.

Имом Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собит-*раҳматуллоҳи алайҳ*-нинг тижорат ишларини бошқариб турувчи шериги бор эди.

Бир куни бозорга олиб чиқиладиган матолар орасида бир камчилиги бор кийимлик ҳам бор экан. Абу Ҳанифа шеригига харидорларга айбини кўрсатишни, айби билан сотиб олишга рози бўлган тақдирдагина сотишни тайинладилар. Ҳеч ким олгиси келмаса, бу айби бор матони қайтариб олиб келавер, дедилар.

У киши бозорга бориб матонинг ҳаммасини сотипти-ю, харидорга матонинг айбини айтишни унутиб қўйипти. Абу Ҳанифанинг айбини айтмай

сотма, деб тайинлагани эсига тушиб, матони сотиб олган кишини бозордан кўп излаб, охири топа олмаганидан сўнг имом Абу Ҳанифанинг ҳузурларига қайтиб, бўлган воқеани унга айтиб берибди.

Шунда имом Абу Ҳанифа *-раҳматуллоҳи алайҳ-* пулларига шубҳали мол аралашмасин, деб шу кунги савдо пулларининг барчасини садақа қилиб юборган эканлар.

Мана шундай буюк ҳиммат билан имом Абу Ҳанифа мусулмон одамнинг тижоратда қандай ростгўй, амонатдор, ҳалол-пок бўлишига ибрат бўлиб, ҳалол фойда топишни кўзлаган амонатдор, ишончли савдогарга намуна бўлиб қолганлар.

Пайғамбаримиз

-саллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг сирлари.

Анас ибн Молик *-розиаллоҳу анҳу-* ўн ёшлар чамасида эди. Бир куни кўчада Мадина болалари билан қувлашиб, ўйнаб юришган эди, олдиларидан Набий *-саллаллоҳу алайҳи ва саллам-* ўтиб қолиб, уларга салом бердилар.

Кейин Анас *-розиаллоҳу анҳу-*ни ёнларига чақириб, бир иш билан қаёққадир юбордилар.

Бундан аввал ҳам Анас *-розияллоҳу анҳу-* Пайғамбаримиз *-саллаллоҳу алайҳи ва саллам-*нинг хизматларини қилиб юрар эдилар.

Анас *-розияллоҳу анҳу-* расулуллоҳ *-саллаллоҳу алайҳи ва саллам-*нинг юмушларини бажаргач уйларига кечикиб қайтдилар. Оналари нега кечиккани ҳақида сўради. Анас *-розияллоҳу анҳу-* Расулуллоҳ *-саллаллоҳу алайҳи ва саллам-* бир иш билан юборганлари ва шу сабабдан кечикканини айтди.

Онаси: Расулуллоҳнинг нима ишлари бор экан? – деб сўради.

Анас *-розияллоҳу анҳу-*: Сир экан, – деб жавоб берди.

Онаси ўғлидан суриштириб, сирнинг нима эканини билишга ҳаракат қилмади. Аксинча, боласидан хурсанд бўлиб, унинг ақлли ва амонатли бўлиб тарбия олаётганидан севинди. Бундан буён ҳам Пайғамбаримиз *-саллаллоҳу алайҳи ва саллам-*нинг сирларини сақлашга ундаб: Расулуллоҳ *-саллаллоҳу алайҳи ва саллам-* сенга ишониб айтган сирни ҳеч кимга айтиб юрмагин, – деди.

Ёшлигидан Расулуллоҳ *-саллаллоҳу алайҳи ва саллам-* тарбияларини олиб, амонатдор бўлиб ўсган Анас *-розияллоҳу анҳу-* ҳаёти давомида бировга хиёнат қилмай, доимо сир деб айтилган

нарсани ҳеч кимга айтмай ҳаёт кечирди.

Қимматбаҳо кўйлак.

Бир аёл Абу Ҳанифа -раҳимаҳуллоҳ-нинг ҳузурларига ипак матодан тикилган кўйлакни сотгани олиб келди.

Абу Ҳанифа у аёлга: Кўйлакнинг нархи қанча? – деб сўрадилар.

Аёл юз дирҳам, юз кумуш тангага сотмоқчи эканини айтди.

– Э, йўқ, бу кўйлак юз дирҳам эмас, қимматроқ туради, – деди Абу Ҳанифа.

У аёл сотиб оладиган нарсасининг баҳосини тушуриш ўрнига кўтараётган бу харидордан ажабланиб, кўйлакнинг баҳосини кўтариб:

– Ундай бўлса, тўрт юз дирҳамга ола қолинг, – деди.

– Кўйлакнинг баҳоси бундан ҳам кўп, – деди Абу Ҳанифа.

– Сиз менинг устимдан куляпсизми?! – деб аёлнинг аччиғи чиқди.

– Менинг сўзимга ишонмаётган кўринасиз. Ўзингиз ишонадиган бирон тажрибали киши олиб келинг, кўйлакни қанчага баҳо қилар экан.

Бир оздан сўнг у аёл бир кишини бошлаб келди.

Кўйлакни яхшилаб кўргач, у киши: бунинг баҳоси беш юз дирҳам, – деди.

Абу Ҳанифа уни шу баҳога сотиб олдилар. У аёл ҳам юз дирҳам ўрнига беш юз дирҳам олганига хурсанд бўлиб, Абу Ҳанифанинг амонатдор ва ростгўйлигига раҳмат айтиб кетди.

Тенги йўқ гавҳарлар.

Мусулмонларнинг амири Умар ибн Хаттоб - *розияллоҳу анҳу*-нинг даврларида мусулмонларни армияси Форс ўлкасини пойтахти Мадоин шаҳрини фатҳ қилиш учун йўлга тушдилар.

Аллоҳ таоло уларга Форс армиясини устидан ғалаба қозонишга ўзи ёрдам берди.

Урушдан сўнг мусулмонлар Форс ўлкасининг қироли Кисронинг хазинасини қўлга киритдилар. Хазинада олтин-кумуш тангалар, турли туман гавҳарлар, шоҳона либослар жуда кўп эди. Мусулмон жангчилар хазинадаги барча бойликни жамлаб, барчасини лашкарбоши Саъд ибн Абу Ваққос -*розияллоҳу анҳу*-га топширдилар.

Жангда қўлга киритилган ўлжалар бешга тақсим қилиниб, бешдан тўрт қисми жанг иштирокчиларига бериларди, бешдан бир қисми эса мусулмонлар хазинаси – байтул-молга

берилар эди.

Саъд ибн Абу Ваққос *-розияллоҳу анҳу-* ўлжаларни тақсимлаб, байтул молга ажратилган улушни Умар ибн Хаттоб *-розияллоҳу анҳу-*га юбордилар.

Юборилган бойликлар ичида қирол Кисронинг гилами, тожи ва гавҳарлари бор эди.

Умар ибн Хаттоб *-розияллоҳу анҳу-* бу қиматбаҳо буюмларни кўргач, узоқ ерлардан шунча бойликни олиб келиб, тўла-тўқис топшираётган аскарлар ва уларнинг бошлиғининг амонатдорлигига қойил қолиб, дунё уларни алдаб қўймаганига хурсанд бўлиб айтдилар:

– Ҳа, албатта, бу нарсаларни шундайича олиб келиб топширган инсонлар ҳақиқий амонатдордир!

Мажлисда Али ибн Абу Толиб *-розияллоҳу анҳу-* ҳам ҳозир эдилар. Умарнинг сўзларини эшитгач Али:

– Эй Умар, сиз ўзингизни тийиб, раиятнинг ҳаққини ейишдан тийилганингиз учун қавмингиз ҳам ифбатли бўлиб, ўзларини сақладилар. Агар сиз бемалол бўлиб, мусулмонларнинг молига тажовуз қилганингизда эди, улар ҳам шундай хиёнаткор бўлардилар, - деб айтди.

Оловдан бўлган кўйлак.

Хайбар жангидан кейин мусулмонлар Водий Ал-Қуро номли бир жойга қараб йўлга тушдилар. Кўзланган манзилга етиб келишгач, қурол-аслаҳаларини қўйиб, туяларнинг устидан нарсаларини тушира бошладилар, қўналгоҳ тайёрлаб, дам олишга ҳозирлик кўриш бошланди. Қўшин ичида Расулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг бир қуллари ҳам бор эди. У Расулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг нарсаларини туширмоқчи бўлиб турганди, пусиб турган мушриклардан бири унга ўқ отиб ўлдирди.

Одамлар: Унга жаннат муборак бўлсин, шаҳидлик муборак, – деб атдилар.

Шунда Расулulloҳ -саллаллоҳу алайҳи ва саллам: Асло бундай эмас! Жоним қўлида бўлган Зотга қасам ичиб айтаманки, у ўлжа тақсимидан олдин сўрамай олган бир парча кийим учун дўзахга киритилади. Олган бир парча матоси унинг устида олов бўлиб ёнади, – дедилар.

Умумий молга бепарво қарашнинг оқибати бундай ёмонлигини эшитган мусулмонлар дарҳол ўз юк-матоларига қараб, ичида ўлжанинг бирон нарсаси қолиб кетмадимикин, деб текшира бошладилар. Бир киши битта ёки иккита оёқ кийими устида бўладиган ип – боғични кўтариб

келди.

Расулуллоҳ *-саллаллоҳу алайҳи ва саллам-*: Агар шу бир ёки икки боғични қайтармаганида, олган нарсаси бир ёки икки дўзахдан бўлган ипга айланиб, шунда азобланар, ёки азобланишига сабаб бўлар эди, – дедилар.

Суиқасд.

Қоронғу тунларнинг бирида Макка кофирлари пайғамбар *-саллаллоҳу алайҳи васаллам-*га қарши суиқасд уюштирмакчи бўлди. Қурайшнинг ҳар бир қабиласидан кучли, сара йигитлар танлаб олинди. Тун қоронғусида улар бир жойда тўпландилар-да, ўткир қиличларини яланғочлаб, аста Расулуллоҳ *-саллаллоҳу алайҳи ва саллам-* ҳовлиларига етиб келдилар.

Режа бўйича улар эшик олдида кутиб туришлари керак эди. Қачон эшик очилиб, Расулуллоҳ *-саллаллоҳу алайҳи васаллам-* ташқарига чиқсалар, улар бирдан ҳужум қилиб, қиличлари билан у кишини чопиб, ўлдиришга қарор қилган эдилар.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз *-саллаллоҳу алайҳи ва саллам-*га уларни тил бириктиргани ҳақида ваҳий қилди ва Маккани ташлаб, Мадинага ҳижрат қилишга буюрди.

Расулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи ва саллам- ҳижрат қилишга қарор қилганларидан кейин амакиларининг ўғли Али ибн Абу Толибга бир вазифа топширдилар. Али бу кеча Расулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- тўшакларида ётиб, кофирларни чалғитиши керак эди. Эшик олдида пойлаб турган қотиллар уйда бировнинг ухлаб ётганини кўриб, Пайғамбар -саллаллоҳу алайҳи ва саллам- изларидан таъқиб қилмасликлари керак эди.

Алининг яна бир вазифаси бор эди. Расулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи ва саллам- Маккада амонатдор, ишончли эканликлари билан ном чиқарган эдилар. Маккаликлар у кишига кўп нарсаларни амонат қилиб бериб қўйишган эди. Али одамларнинг амонатларини эгаларига қайтариб бериши, сўнг Мадинага ҳижрат қилиши керак эди.

Расулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи ва саллам- Аллоҳнинг буйруғини бажариб, Мадинага ҳижрат қилиб кетдилар. Эшик олдида пойлаб турган қотиллар у зотнинг чиқаётганларини кўрмай қолиб, доғда қолишди.

Ушбу воқеага диққат билан қарайлик. Душманлар эшик олдида тўпланиб ўлдирамиз, деб шайланиб турибди. Расулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам- эса берилган амонатларни

эгасига қайтариш ғамини еяптилар!

Амонат берган кишилар аслида бу зотга қарши душманлик қилиб, у зотни ўлдириш учун қотиллар ёлласа-ю, бу муборак инсон уларнинг мол-давлатини қайтариш ташвишини қилса!

Улардан ўч олиб, ёмонликка ёмонлик билан жавоб бермадилар. Қўлларидаги амонатларга хиёнат қилмадилар. Бу воқеа биз мусулмонлар учун катта дарсдир. Ҳеч қачон амонатга хиёнат қилмаслик, доимо бировларнинг ҳаққидан ҳазар қилмоқ бизга пайғамбаримиз *-саллаллоҳу алайҳи васаллам-*дан мерос қолган буюк ибодатдир.

Совға.

Пайғамбаримиз *-саллаллоҳу алайҳи ва саллам-* бир кишини Бану Сулайм қабиласига юбориб, уларнинг закот ва садақаларини йиғиб келишни буюрган эдилар.

У одам бир оз муддат ўтгандан сўнг Мадинага қайтиб келиб, пайғамбаримиз *-саллаллоҳу алайҳи ва саллам-*нинг ҳузурларига келди. Пайғамбар *-саллаллоҳу алайҳи ва саллам-* асҳоблари билан бирга ўтирган эдилар.

Ҳалиги киши салом бериб келди-да, олиб келган нарсаларини пайғамбаримиз *-саллаллоҳу алайҳи*

ва саллам-га бериб, ундан бир қисмини ўзида қолдирди.

Пайғамбаримиз *-саллаллоҳу алайҳи ва саллам-*бу нарсаларни нега ўзида қолдиргани ҳақида сўрадилар.

– Бу нарсаларни менга ҳадя қилиб беришди. Шунинг учун ўзимда олиб қолдим, – деб жавоб берди.

Бу одамнинг иши нотўғри эди. Чунки унга берилган совға-саломлар Расулуллоҳ элчилари бўлиб боргани учун берилган эди. Мансаб эгалари учун шунчаки совға берилмаслиги, бу совға ортида қандайдир илинж ва тамаълари бўлиши мумкинлиги учун ҳам пайғамбар *-саллаллоҳу алайҳи васаллам-* бундай совғаларни қабул қилишдан қайтарардилар. Бундай шаклда олинган барча нарса мусулмонлар хазинаси – байтулмолга топширилиши керак эди.

Пайғамбаримиз *-саллаллоҳу алайҳи ва саллам-*бу одамга ҳам хатосини тушунтириб, умумий молга қандай амонатли бўлиш кераклигини ўргатдилар. Охиратда дўзахга тушиб қолмаслик учун ҳам ҳар қандай хиёнатдан узоқ бўлишни ўргатиб, хиёнат тугул, хиёнатга олиб бориши мумкин бўлган нарсалардан ҳам қочишни таълим бердилар.

Саҳифаларимиздаги манбаълардан Аллоҳ аzza ва жалла розилиги йўлида бемалол ишлатаверинг, тижорат мақсадида эмас, иқтибос олинган веб сайга ишора қилсангиз.

<http://www.musulmanin.com>